

Билла жамияти

БА

50
сон

30 декабрь 1998 йил
5 январь 1998 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Халқ-эрзаар кўмитаси, Ёшлар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси



ЯНВАР

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

ФЕВРАЛЬ

1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28

МАРТИ

1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				

АПРЕЛЬ

		1	2	3	4	
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30		

МАЙ

				1	2	
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

ИЮН

	1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30				

П.	В.	С.	Ч.	П.	С.	В.
----	----	----	----	----	----	----

Аёллар йили



Хонидонингизга
Ўқут - Ёрака,
О.НОНЛИК
тилаймиз!



ИЮЛЬ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

АВГУСТ

						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

СЕНТЯБР

			1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12	
13	14	15	16	17	18	19	
20	21	22	23	24	25	26	
27	28	29	30				

ОКТАБР

				1	2	3	
4	5	6	7	8	9	10	
11	12	13	14	15	16	17	
18	19	20	21	22	23	24	
25	26	27	28	29	30	31	

НОЯБР

1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30					

ДЕКАБР

	1	2	3	4	5	
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

П.	В.	С.	Ч.	П.	С.	В.
----	----	----	----	----	----	----



Миробид Мирсодиқов туширган сурат.
Абдумажид Сайфуллаевлар оиласи ҳақидаги мақолани
газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.



Муқовада

ҲАҚАТ
ЯХШИЛИКЛАР
СОҒИНАМАН

Абдуҷаҳид Сайфуллаевлар оиласини том маънода бахтли оилалар сирасига киришти мумкин. Оила бошлиғи Абдуҷаҳид ака — Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги заводида қарашли тиббий-санитария бўлими бош шифокори. Турмуш уртоғи Муборак опа эса Юнусобод туманидаги марказий тахшиш поликлиникасида бўлим бошлиғи, терапевт врач. Шифокорлар оиласида 2 ўғил, 2 қиз улғаймоқда. Катта ўғил Шерзод — автобазада механик. Беқазод Тошкент Давлат Алоқа институтини талабаси. Қизлари Дилнозахон ҳамшира, Шаҳнозахон эса мактаб кўкувчиси.

— «Оила иллида» ҳаётингизда қандай қувончли воқеалар бўлиб берди? — сўрадик оила бошлигини.

— Инсоннинг ёши ўтган сари ҳамма орзу-ҳавасини болаларида кураб экан, — деди Абдуҷаҳид ака. — Яқинда бош фарзандим қиз кўрди, неварали бўлдим. Уйимизда анча йиллардан кейин яна чақалоқ йўғиси жаранглади. Уригидан данаги ширин экан. Бобо бўлганимни ҳис қилиб хурсанд бўлдим. Бунинг устига қизим Дилноза тиббиёт билим юртини тамомлаб, муваққил ҳаётга қадам қўйди.

— Оилада болалар тарбиясида отанинг ўрни қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

— Донишмандлардан бири келажакда болангиз қандай инсон бўлишини хоҳласангиз, шундай муомилада бўл, — деган экан. Болага қўпол муомилада бўлсангиз, қурроқ, бети қаттиқроқ бўлиб ўсади. Яхши муомила қилсангиз, меҳр берсангиз ўшанга яраша оқибатли инсон бўлиб ўлғайди. Ота билан онанинг бир-бирига бўлган муносабатларидан ҳам бола кўп нарсани ўрганган. Ўзингизнинг оғзингиздан ёмон сўзлар чиқиб турса, ўзингизга «сўқимай гапир», десангиз бу шомолга қарши тўпурган билан қарорбериб.

— Айёллар йилда муштарийларингизга тилақларингиз...

— Айёллар йилда аёлларингизга фақат яхшиликлар соғинаман... Улардан омад ҳеч қачон юз ўғирмасин.

— Абдуҷаҳид ака, Рузая Рамазон оида тилаган тилақларингиз ерда қолмасин, оилангизга бош бўлинг.

Нафиса АННАЕВА

ДИЛ ТАШАККУРИМИЗ,
ҚУТЛОВИМИЗ СИЗГА, АЗИЗ ДҮСТ!

Ҳеч ўйлаб қурганмисиз, нега ҳар гал кириб келаятган янги йилни алоҳида бир таррадул, тайёргарлик билан қутиб оламиз-ҳаяжонланамиз, тушуниқсиз бир кайфиятни бошдан кечирамиз-қувонч десанг қувонч эмас, изтироб десанг изтироб эмас...

Бу ҳолат ким бўлмайлик, қай ёшда бўлмайлик ҳаммамизда бирдек кечади — ўтган, ўтаётган ва абадий ўтаварадиган кунлар, ойлалар, йиллар... Ва вақтга қоришиқ тарзда ўтаётган болалик, ўтаётган ёшлик, ўтаётган кексалик...

Бу дунё шунча ўтар-кетар дунё экан — азоб чекиб, заҳмату машаққатлар чекиб яшайдан не наф? Янги йил оқшомли албатта ана шу савол ҳам ҳар биримизнинг кўнглимиздан кечади. Ҳар биримиз ўз умримизни сарҳисоб этарканмиз, бу саволга жавоб топишга уриниб қўрамиз. Ҳар биримизнинг кўнглимиздан деярли бир хил орзу-ният кечади — бу йил-ку ўтди, янги йилда илоийм бахту-омад, шодлику қувончлар йўлдошимиз бўлсин...

Менинг эса бир эзгу тилагим бор — «Оила ва жамият»нинг садоқатли муҳлиси, азиз дўст! Янги йил оқшомининг масрур лаҳзаларида эски ва янги йил ҳақида ҳавл сураркансиз, бирон лаҳзага бўлсада бизни ҳам эсланг, ўйланг...

Эсланг — бутун йил давомида ҳафтама-ҳафта ҳар чоршанба биз сизни изладик, сизни истадик, сиз эса бизни изладингиз, истадингиз. Сиз бизга йил давомида қалбингизни очиб, мактублар йўллагингиз. Қалб эса осонликча ўз-ўзини ошқор этавермайди. Қалб ўзини тушушун, ўзини кечира оладиган, қадрига етдиган қалбгагина ўзининг сир-асорини ошқор этади. Қалб ҳақида ишончли, эътиқодли, садоқатли дустга эҳтиёжмандир. Демак, сиз бизга ишондингиз, бизни яқин дустингиз деб қабул қилдингиз. Бу — оддий қаламқаш учун улў саодат эмасми?

Ҳаёт нечоғлиқ мураккаб, нечоғлиқ муаммоларга тулик... Бундоқ ўйлаб

қарасангиз, бу қўнға дунёнинг не-не алломаю донишмандлари ҳаётини муаммолар, саволларнинг бари-барисига жавоб бериб бўлишгандек гўё. Том-том китоб тўғламларини варақласангиз, ўқисангиз бўлди — саволларингизга жавоблар тайёрдек... Лекин бу чархи қажрафтор оламнинг шундай бир савол, суроқлари бор экан-ки, улар қаршисида баъзида энг улў донолар ҳам лолу қараш бўлиб қолишаркан. Ана шундай лаҳзаларда энг улў донишманд, энг олий устоз халқимизнинг ўзи эканлигига йймон келтириб биз яна сизга мурожаат қилдик, азиз дўст, яна сиздан мадад кутдик.

«Икки йўл орасида қолдим, маслаҳатингизга зорман, — деди бир аёл. Сиз редакциямизга ташриф буюриб кўнгирок қилиб, мактублар ёзиб, аёлга ўз ўғити маслаҳатларингизни изҳор этдингиз. Бу аёлни бир қизингиз, синглингиз — бир жигарингиз сифатида қўраётганингизни ҳис этмаслик мумкин эмасди. «Аттанг, шу мактубни чоп этиб, бошингизга (бошимизга) ортиқча гафво солиб қўймадикмикан, деган ую андишага борган лаҳзаларимиз бўлди. Бу мактуб мисолида биз ору номусини, диёнатни, эътиқодни энг юксак қислати фазилат деб биладиган халқ эканлигини тагин бир бор ҳис этдик.

«Бу эркакка шундай бир сўз айтсак...» дея яна сизга мурожаат этдик. Сиз эса ота бўлиб, ана бўлиб, ака-ука, опаю-сингил бўлиб ҳар бирингиз танбал, ишўқмас, аёллини — болаларининг онасини меҳнату машаққатга, хору зорликка мубтало этган эркакка ўз муносиб сўзингизни айтдингиз. Биз инсонларвар, аёлларвар, болаларвар халқ эканлигини деган гўяда гурунландик.

Тошкентлик Давронбек исмли йигит ўз муҳаббати, армонларини «У аёл бўлсада мард эди», — деган мактубида изҳор этди. Сиз эса азиз дўст, дунёда вафо, садоқат, поклик бор ва муқаррар эканлигини тасдиқлаб ўз қимматли фикрларингизни билдирдингиз.

Бобур исмли ўғлингиз севглиси бевафоллигидан қуниб, «Мен энди нима қилай», — деганида ёш ва ҳали

гўр йигитни туғри йўлга бошловчи маслаҳатингизни дариг тутмадингиз. Қизларингиздан бири «Унинг тўйи тезроқ ўтасиди», — дея қўфди дилини очди. Сиз унинг ёш, хаста қалбига дармону малҳам бўлғувчи сўзларингизни айтдингиз...

«Дадажоним меҳрига зорман», — деди Наргиза қизингиз. Сиз ҳаммангиз бир овоздан шу қизга ҳамдард эканлигингизни изҳор этдингиз. Ҳатто Фаргона вилоятидан бир ўқитувчи оиласи билан Наргизахонни фарзандликка олоқчи эканлигини айтиб хат ҳам йўллади.

«Юрагим дардига малҳам излайман», — деди қизингиз Лобар... «Бор эдим мен дунёда борлигини билмадингиз» — деди Марварид қизингиз... Уларни ўз фарзандларингиз, жигарларингиз қаторида қурганлигини, улар кечмишидан огоҳ бўларкансиз, юрагингиз органини дарҳол изҳор этдингиз...

«Газета мен учун худди нондек қадрли»...

«Оила ва жамият» — ҳақиқий халқ газетасидир...

«Ҳар чоршанба кўни мен «Оила ва жамият»ни худди севглимни интизорлик билан кутгандек кутаман»...

Сиз, азиз Дўстимиз учун қадрли эканлигини англатувчи бу сўзлар, бу изҳорлар ҳар гал қайта ва қайта кўнглимизга осмоний завқ-шавқ, қилҳом бахш этганлигини билсангиз эди...

Қурдингизми сиз биз учун нечоғлиқ азиру муқаррамсиз. Сизнинг олий тилагингиз, ниятингиз, мақсадингизга ярашиқли ижод қилиш, заҳмат чекиш биз учун бахту саодатнинг энг юксак чўққисидир.

Азиз Дўст, ишонимизки 1999 йил — Айёллар йилида ҳам узаро меҳру муҳаббатимиз, эътиқоду илҳосимиз тагин ҳам муштаҳамланади, бизни сизга, сизни бизга боғловчи мактублар газетамиз мазмунига мазмун қўшади.

Янги йил ҳаммамизга муборак бўлсин...

Дилбар САИДОВА

БАҲРАМЛАРНИНГ ЯХШИСИ

Янги йил, янги кун... Биз ундан нималарни кутамиз? Албатта биз унинг қўт-баракага тўлиқ, осийошга утишини, ушалмаган орзулар, эришилмаган армонларга худди ана шу йилда етишишни яратаданан сўраймиз. Эзгу мақсаддан йўлида тер тўкиб меҳнат қиламиз. Бир-биридан ширин фарзандларимиз камоли инсон бўлиб ўлғайишларини, биз катталарга уларнинг туйларини қуриш насиб етиши-ю, набиралар, чеваралар ардоғидаги хотиржам кексаликни яратаданан сўраймиз.

Янги, 1999-йилнинг «Айёллар йили» деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Буни мен ҳам аёл бўлганим учун айтаётганим йўқ, албатта. Бир журналист қўзи билан қарайдиган бўлсам, 1997-йил «Инсон манфаатлари», 1998-йил «Оила йили» деб эълон қилинган ушбу йилларда шу соҳага, одамлар тақдирига жуда кўп ижобий

ютуқлар кириб келди. Айёллар йилида эса, менинг назаримда энг нозик ва мураккаб бўлган қизлар тарбиясига, аёллар соғлигини тиклаш, уларни кўнглини чўктираётган, дилига оғриқ бераётган жуда кўп муаммоларнинг ҳал этилишига ишонаман. Чўнки халқ аёлдан, мамлакат эса оиладан бошланади. Дунёни ўз

янги авлодлар силсиласининг давомчисига муносабат бўлмаслиги учун курашайлик.

Йил бошида, йўл бошида қилидиган тоат-ибодатим, минг бир илтижолар билан айтар гапим:

— Одамларнинг ақлу фаросати ва йймон қузини очилди, Янги йил. Виждон қўзи бўлсин у. Қачонлардир, кимнингдир олдида ҳисоб беришим, қилган гуноҳу савобларимни қўз-қулашга муштаҳиқман, — деган ақидани қонимизга, жонимизга сингдир.

Йил боши, улан боши дейди халқимиз. Йил бошида қилинган оппоқ, ойдин тилақлар ижобат бўлмай қолмайди. Онаман, барча оналар каби ҳар оқшом дастурхонимиз атрофи яқинларимиз билан гавжум бўлсин. Бирон бир ўрин бўшаб қолмасин, дейман.

Муҳабб МИРСАИДОВА

Тулак

ақл-идроки билан мунаввар этган, аёл номини буюқ этган Қумуш биби садоқати-ю, Тумарисдек мард аёллар жасорати бўлса не ажаб. Ўз ақли билан салтанат ишларига қўмаклашган Теурий маликалар. Урушга ёрлар кетганда фронт ортидаги оғир меҳнатни эплаган оддий, лекин метин иродали аёллар борлиги учун ҳам она буюқдир.

Биз журналистлар аёллар йилида одамларнинг онгу шуурига яхши сўзларимиз билан таъсир этиб, қизларимизнинг 15-16 ёшда узатилмасликлари, келинга,

БУ-МЕНИНГ ОИЛАМ

Йил бошида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон телерадиокўмпанияси Тошкент шаҳар Бош муҳарририяти биргаликда «БУ-МЕНИНГ ОИЛАМ» танловини эълон қилган эди.

Танлов утказишдан асосий мақсад халққа яқинлашиш, эшитириш ижодкорлари назаридан четда қолган, лекин ҳаётлари, турмуш тарзлари ибратга сазовор бўлган оилаларни топиш, уларни тарғиб қилиш, ана шундай оилалардаги яхши ўрф-одатларни оммалаштиришдан иборат эди.

Мана бугун синовлар яқунланиб уларнинг голиблари аниқланди. Ақмал Икромов туманидан келган Азиза Хусанова танлов голиби, деб эълон қилинди. Шайхонтохур туманилик биринчи гуруҳ ногирони Жаҳонгир Абубакиров биринчи, шу туман иштирокчиси Назира Нейматова иккинчи, Чилонзор туманидан Мирсобит Соатов учинчи ўрин ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар...

Ўтелерадио кўмпанияси Тошкент шаҳар Бош муҳарририяти шарҳловчиси Инобат Усмонова ушбу танлов ҳақида қўйидагиларни гапириб ўтди: «Танловни эълон қилаётганимизда очиги одамлар бунчалик қизиқиш билан иштирок этади, деб ўйламаган эдик. Биз қўзлаган мақсадимизга эришдик. Халқимизга ҳақиқий ўзбек оилаларини қўрсатиб бера олдик, — деб ўйлайман»...

Н. ЙЎЛДОШЕВА

ЮРТ ХУРМАТИГА САЗОВОР САНЪАТКОР

Яқинда халқимизнинг севимли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидованинг уйларида кунгироқ қилиб, уларни таваллуд айвонлари билан табрикландим. Опа хурсанд бўлиб.

— Паспортимда 20-декабрь, деб ёзилгани билан аниқ туғилган кунимни билмайман, Муҳайёхон. У пайтда метрка ҳам бўлмаган экан. Онам Норбибишдан:

— Ойи, мен қачон туғилганман, — деб сурасам: — Сен тиззамдан юқори қор ёганда туғилгансан, — деб айтганлар Қаранг-а, мана ушанга ҳам 70 йил тулибди. Умр утаверар экан.

Ҳа, умр оху каби югурик. Лекин ортга назар ташлаганда эсга олса арзигулик воқеалар бўлса, бу умрни мазмунсиз деб бўлмайди. Бу жиҳатдан опага бахт қилиб боққан.

— Мен асли марғилонликман, Довудбойнинг қизиман. Отамнинг катта-катта ерлари, боғлари, минг-минглаб моллари бўлган. Битта ҳовлида иккита хотинлари ахил-иноқ яшашган. Отамнинг 13 та ўғиллари бўлиб, мен ўлғиз қизлариман. Йулдош Охунбоев отамнинг қулларида чорикор олиб ишлаганлар. Кейинчалик раҳбарларни камбағаллардан қиламиз дейишиб, Йулдош Охунбоев президент бўлиб кутарилган. Дадамни қулоқ қиламиз, деган гап Охунбоевга етиб борганда у зудлик билан Марғилон раҳбарларига телефон қилиб:

— Довудбойга тегманглар, у жуда камбағалпарвар. Ёзёвон ерларидан келтирилган

қовун-тарвуз бўладими, бугдойми — ҳаммасини боласи куп оилаларга бўлиб берадилар, — деб айтган. — Отамга:

— Барча ерларингизни, мол-ҳолингизни давлатга топшириб, колхоз ташкил этамиз, сизни раис қиламиз, — деганлариди отам:

— Йук, мен раис бўлмайману ўғлим Файзи булақолсин, — деганлар. Шунда Йулдош Охунбоев:

— Катта боғингиз ўзингизга қўйсин, у ерда Журахон Султонов, Акбар Ҳайдаров, Маъмуржон Узоқов каби санъаткорлар келиб туришади, — деб айтганлариди отам:

— Боғимизни ҳам болалар боғчасига олинлар. Ҳозир яшаб турган ҳовлимиз ҳам бизга етади. — деб айтганлар. Дадам ҳақиқатан жуда саҳий бой бўлганлар. Улардаги қатъийат менда ҳам бор.

Конституция байрами арафасида шахсан Президентимиз Ислам Каримов менга «Эл-юрт хурмати» орденини топширдилар.

— Муножот Йулчиева, Марям Сатторова, Маҳбуба Ҳожиматова каби шоғирларим, мақом ансамблида ишлаган йигит-қизлар Юнус Ражабий бизга ўргатган йулларда қушиқ

Қутлов

куйлашяпти, — Демак, бизнинг издошларимиз бор. Мен бу билан фахрланаман.

— Берта опа, 1998 йил «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирланганингиз эсда қоғларли воқеа бўлди. «Аёллар йили» деб қабул қилинаётган янги йилда аёлларимизга, бутун Ўзбекистон халқига дил сўзларингиз.

— Биз санъаткорлар бар-



чанинг уйида туй бўлсин, оилалар тинч бўлсин деймиш. Кимки нимаики яхши нарсаларни ниёт қилса, орзусига эришсин. Аёлларимизнинг буни, аёлларнинг қараб юрсинлар, қаддилярини тик тутсинлар. Жамиятга маънавий баркамол фарзандларни тарбиялаб етиштирсинлар.

— Сизнинг оилангизга ҳам шундай самимий тиллақларни билдирамиз.

Эл-юрт бахтига ҳамisha соғ-омон бўлинг!

МУҲАЙЁ

НИҲОЯТИДА ҚУВОНДИМ

1999 йилни Президентимиз «Аёллар йили» деб эълон қилдилар. Бу хабардан ниҳоятда қувондим. Чунки, аёлнинг назоқати, ҳавси, ибоси билан дунё тукис-туғалдир.

Ҳаёт қувончу ғам-қулфатлардан иборат. Шунда сабр-бардошли бўлиб ёрига таскин берувчи, фарзандларининг бошини силагувчи ҳам аёлдир. Мана бу шеърни ана шундай уй-халлар оғушида ёздим.

АЁЛ

Ёрига вафодор бўлади аёл,
Унинг атрофида доим парвона.
Гоҳ ташвиш чекади, гоҳ сурар хаёл,
Ахир у дунёда меҳрибон она.

Фарзандин эркалаб суюди аёл,
Ширин сўзларига бўлиб маҳлиё.
Унинг туришлари гўё бир ниҳол,
Айтган нарсасини қилар муҳайё.

Ҳаётда ҳар нарса бўларкан баъзан,
Қулфат ҳам тушаркан, бошга беҳосдан.
Шунда аёл ёрга бўларкан йўлдош,
Шунда аёл ғамга қиларкан бардош.

Мен аёл зотини муқаддас бийдим,
У момо ҳавонинг буюк авлоди.
Мен аёл зотида бир жаҳон қурдим,
У барча инсоннинг масъум бунёди.

Мунчаём бардошли бўлмаса аёл,
Гоҳ қувончга тўлиб қуларкан аёл.
У бўлмаса биз ҳам бўлмасдик, балки,
Дунёга муъжиза, бераркан аёл.

Мамлакат АЛИМОВА,
тарбиячи
Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри

АЁЛ ЙИЛИНИ ЭРКАКЛАРИ

(Ҳазил)

Аёлларга бошлар алёр,
Аёл йилин эркаклари.
Айёр деманг, эҳтиёткор —
Аёл йилин эркаклари.

Қулиб-яшнаб қулфи дили,
Келаётир Аёл йили.
Қутадрлар мардонатор,
Аёл йилин эркаклари.

Аёлларга мазза бўлди,
Эркаклар ҳам завққа тўлди.
Байрамларда гўрда тайёр,
Аёл йилин эркаклари.

Тўтмас ўзин энди эрка,
Маошлари сербарақа,
Оилага сөрэтибор,
Аёл йилин эркаклари.

Хотинлари бермас дакки,
Чунки эрлар юрмас чакки.
Фариштамас, лекин хушёр,
Аёл йилин эркаклари.

Кечга қолса аёллари,
Бозорларда хаёллари.
Очиги, сел юраги тор,
Аёл йилин эркаклари.

Кўча — хандон, уйга зиндон,
Баджовок эр — қони зиён.
Бу гапларни айлар бекор,
Аёл йилин эркаклари.

Яхши чопон — тўй давлати,
Яхши эркак — уй давлати.
Бу қўшиқни айтмас бекор,
Аёл йилин эркаклари.

Бугун тонгда зўр ниятда,
«Оила ва жамият»да
Аёлларга айтди алёр,
Аёл йилин эркаклари.

Мана, ҳазил-ҳазил билан,
Ҳазил-қўшиқ ёзди Тўлан.
Унга жўрдир мард, Фидокор,
Аёл йилин эркаклари.

Тўлан ТАБАССУМ

ОИЛА ЙИЛИДА ОИЛАЛИ БЎЛДИМ

Йил якунладан шу кунларнинг бирида иш билан Республика радиосига боргандим. Иш қизгин хоналардан бирида суҳбатлашаётган қизлар давраси диққатимни тортди. Уртада бахдан чехраси гулгул ёниб бир келинчақ шундай дерди:

— Утаётган «Оила» йилидан шундай мамнунманки... ушбу йил мен учун қушалоқ омадлар йили бўлди-да. Энг муҳими «Оила» йилида бахтимни топдим. Оилали бўлдим. Халқаро экологик-гуманитар академияси журналистика факультетини муваффақиятли битириб диплом олдим, узим севган «Қизлар ҳаё



сурсалар...» эшиттиришига муҳаррирликка тайинландим.

Мен Маликахон исмли бу сулуғга мурожаат қилдим:

— Маликахон, «Оила» йилида бахтингиз қутлуг бўлсин, қутлуг уйнинг бахтли келинчаги бўлибсиз. келинликнинг баъзи муаммолари сизни учитиб қуймаяптимикиан?

— Йук, асло! Мен келин

бўлган хонадоннинг барча аъзолари мени авайлашади, уз навба-тида мен-да уларни чин дилдан ҳурмат қиламан. Умр йўлдошим Мустафоев Алижон, олий маълумотли, ажойиб инсон, Юсуфбек Ҳожидек ройишли қайнотам, гулбаргдек гўзал қайинсинглим бор. Шулар билан хонадоним мен учун бахт қасрига айланган, улар менинг суянган тоғларим, ишонч боғларим.

Келаётган «Аёллар» йилида қизларга ҳам шундай бахт саодат тилаган бўлардим.

Мен-да бу келинчақка, барча қизларимизга келаётган йилда туганмас бахт тиладим. «Илоҳим эришган бахтингиз бутун, ризқу ризингиз тукин бўлсин, азиз сингилларим».

ШАВКАТЛИ

ЮРТИМНИНГ ТҲЙЛАРИ, БАЙРАМЛАРИ КҲП

Мана, оила йили ҳам яқунланмоқда. Умримизнинг яна бир «олтин даври» учмас хотирага айланиб қолаётди. Остонада меҳмон сингари янги йил салом бериб турибди. Одатда, бундай пайтда кўпчилик одамлар ўтган умрини сарҳисоб қилишади. Келгусида амалга оширадиган эзгу ишларининг режасини тузишади. Хуллас, эски йил билан хайрлашиб ва янги йилни қарши олишнинг узгача гаши бор. Бунини поитахтимиз куча ва хивбонларида байрамона кайфиятда юрган юртдошларимиз билан қилган суҳбатларимиздан ҳам билса бўлади.

Тоҳир ота Топилов — нафақахўр, Норбуви ая Топилова — нафақахўр.



сам, бир болача адашиб келиб қолди. Куринишдан тошкентликка ўхшамайди. Болани олиб утирсам, шошилганича онаси келиб қолди. Кейин билсам Қашқадардан келишган экан. Болани онасига топширдим. Дуо қилиб кетди.

Алишер Ҳасанов — ошпас.



— Бу йил хонадонимизда туй устига туй бўлди. Уғлимга суннат туйи қилдим, синглимни узатдим. Аммо бир ниятимга етолмай қолдим. Хусусий ошхона очиб, халқимиз дастурхонига

ажойиб овқатлар тайёрлаб бермоқчи эдим. Шунинг учун амалга ошмай қолди. Майли, янги йилда яна бир ҳаракат қилиб кураман.

Ҳахонгир Ҳақимов — менежер.
Дилдора Ҳақимова — талаба.



— Бу йил биз учун бахтли йил бўлди. Куриб турганингиздек оила йилида оилани бўлди.

Сурайё Мирзаахмедова — уй бекаси.



— Аёл борки ҳаётимиз чиройли утади. Ҳар бир йил биз учун хосиятли келиш билан бирга муваффақиятларга эришяпмиз. Бу йил мамлакатимиз миқёсида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Оилаларни химоя қилиш мақсадида жорий этилган «Оила кодекси»нинг ҳаётимизга тадбиқ этилиши ҳам биз учун катта имкониятлар яратди. Қолаверса, туй-туйчиқларни тартибга солиш туғрисидаги фармонни халқимиз катта хурсандчиликлар билан кутиб олди.



— Мана қирқ йилдан бери кампирим билан бирга яшаймиз. Бир этак невараларимиз қаторига бу йил яна бир невара қушилди. Жамоа ҳужалигимиз томонидан берилган томорқага участка куриб, уғилларимнинг рўзгорини бўлиб кўйдим. Энди ўзлари мустақил рўзгор қилишадиган бўлишди.

Рустам Сафаров — милиция сержанти.

— Хизматчилик. Аҳоли тинчлигини сақлаймиз. Баъзан узоқ вақт эслаб юрадиган воқеалар юз бериб туради. Яқинда постда тур-

ЁҚИБ ТАШЛАНГ, СИЗГА ЁЗГАН МАКТУБЛАРИМ...

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Шундай қилиб мен севгимни кундан-кунга эмас, хатто соатдан соатга яна ҳам қаттиқроқ севиб борар эдим. Шундай севардимки, бирор-бир қиз билан гаплашиш у ёқда турсин, хатто қиё бокмас эдим. Назаримда у ҳар доим қўзатиб юргандек эди. Йўқ, йўқ аслида бундай қилишга менинг виждоним, чин муҳаббатим йўл қўймас эди.

Бу орада биз бир қанча аразлашиб ва ярашиб юравердик. Иккалаимизнинг севишимизни акамларнинг маҳалласи, унинг қариндошлари, дўгоналари, менинг ҳам дўстларим билиши бўлишди. Кўпчилик айниқса унинг дўгоналари бизга ҳавас қилар эди.

Мен унга: «Ота-онанг бермасанга нима қиламиз», — деб ҳар доим савол ташлаганимда, у «Кўнглингиз тўқ бўлсин, мен фақат сизни дейман, сиз учун дунёга келганман, агар

улар ҳам тушунишни хоҳлашмаса, мен ҳам уларни тушунмайман, сиз билан қочиб кетаман», — деган гаплари билан яна кўнглимни тинчитиб қўяр эди.

Кўнлар орқасидан ойлар, йиллар ўтди. Биз бу орада бутун оиламиз билан Ўзбекистонга қўчиб келдик ва худодога шуқр, яхшигина жойлашиб олдик. Бу ерга кўчиб келишимизнинг энг биринчи сабаби ҳам ўз мақсадимга, олий мақсадига эришиш ва орзу-умидларимга етишиш эди.

Ниҳоят совчи борадиган вақт келди. Менинг совчиларим, катта ора-умидлар билан, туй ҳаваслари билан йўлга тушишди. Уларни сабрсизлик билан кўтдим.

Аммо бу нохуш рад жавобини эшитгандан кура ўша пайтда ёруғ оламдан кўз юмиб кетганим афзалроқ эди. Кўзим қоронғилашиб бу дунё мен учун зимистонга айланиб кетди. Аҳолим танг ҳолда хабарни Ҳафиза-

га етказдим. У ўзини босолмай қаттиқ йўғлаб юборди. Энди ўша вақтдаги ҳолатини ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг.

Ҳурматли газетхонлар, мени тўғри тушунишлар. Биз бу пайтгача муҳаббат туйғусининг илк мевасини тотиб бўлган эдик. Энди нима деб ҳулоса чиқаришларингиз ўзларингизга ҳавола.

Бир ойлар вақт ўтганидан кейин, ўлганнинг устига теп-гадек яна бир биз учун совуқ воқеа юз берди. Унга бошқа ердан совчилар келиб, бошқа бировга унаштирилиб, фотиҳа туйини ўтказиш кетишибди.

Биз ҳалиям умидимизни бир-биримиздан ўзганимиз йўқ эди. Биз барибир учрашиб турар эдик. У ҳалиям ўша ширин-ширин гаплари билан менинг кўнглимни бироз кўтариб турди. Ҳафиза уйига бориб келадиган бўлди ва биз бирга тушган суратларимиздан бирини

олиб бориб, ўша кўв турага курсатиб, ҳамма гапни айтиб келаман, — деди. Мен бу ерда уни интизорлик билан кутиб турдим, ниҳоят у келди...

У билан энди бошқа учрашмасам ҳам булар экан. Чунки бу охириги учрашимиз экан. Учрашув менинг яраларимга туз сеғди. У аввалига гўё ҳеч нарса бўлмагандай ҳар доимидек қақчақлашиб қўришди. Сўнг унга яқин бўлган учта дўгонаси ҳам қатнашган охириги суҳбатимиз бўлиб ўтди. У ота-онасига айтмабди. Хўп, бунини тушуниш мумкин. Ўша йигитнинг ўзига айтиб қўя қолиш шунчалик қийин ишми? Ахир у Ҳафизани Тошкентга қўзатиб келибди, бир оғиз айтиш шунчалик оғирми? — «Энди нима қиламиз?» — деган эдим, у «Мен ота-онамдан кечолмайман», — деди. Агар ишонсангиз дўгоналари олдида унга шунчалар ялиниб-ёлвордимки, у эса битта гапни «Ота-онамдан воз кеча олмайман», — деган гапни қайтариб туриб олди. Олдинги ширин-ширин гапларидан, менинг кўнглимни кўтаришдан асар ҳам қолмаган эди. Мен қон-қон йўғлаганча ўша ерда видолашимизга тўғри келди ва шундай ҳам қилдим.

Эй, Худо, бунчалар ҳам бевафо экан бу дунё, ахир

Акс садо

кечагина кўнглим сирдоши, дилкашим, суюкли бўлиб юрган ёрим бугун келиб менга бутунлай ёт бўлиб қолса. Ахир менинг гуноҳим нима эди? Уни қандай бўлса шундайлигича чин юракдан севганимми?

Айтинг, азизларим, айтинг, эй, яхшилар, бошимда шунча гаму андуҳлар бўла туриб мен зор йўғламай ким йўғласин? Айтинг, менга яхшилар, мен энди нима қилай? Узимни овуттиш учун қандай йўл тутаё? Менга маслаҳат берингизлар, сизларнинг ҳулосаларингизни қўтиб қоламан.

Эшитишимча ҳозир у парвойи фалак, ҳеч нарса бўлмагандай юрган экан. Сўзимни хонанданинг қўйидаги мисралари билан тугатмоқчиман.

Йўғламанг ёр, ёрингиз бор мендан тузук, Унда бордир мен олмаган тилло узук.

Сўзлашмадим мен унингдек нозик-нозик, Кўзингизни ёшланг ёр, бағрим эзиб.

Ёқиб ташланг сизга ёзган мактубларим

Сақламанг ёр энди менинг суратларим.

Садриддин, Тошкент

ТАҒИН ҒУНОҲГА БОТАЙМИ?

Бу мактубни тахририятга йўлашимдан мақсад шу кунларда бир дононинг маслаҳатига, далласига зор бўлиб қолганимдир. Аввало узим ҳақимда икки оғиз сўз. Менинг гузал рафикам, турт нафар бир-биридан ширин фарзандларим бор. Ота-онам топиб, ўзлари хоҳлаган қизга уйлантирганларидан хафа эмасман. Мана 18 йилдирки, тинч-тотув ҳаёт кечираялми. Моддий томондан камчилигимиз йўқ. Ҳозирда тижорат билан шуғулланаман.

Мен олий ўқув юртини тугатиб, Ватан олдидаги йигитлик бурчимни утаб келгандан кейин бир неча йил ишлаб чиқариш корхоналарида ўз мутахассислигим бўйича ишладим. Кооперативлар очишга рухсат этилгандан кейин биз уч оғайни бирлашиб ўз кичик корхонамизни очишга қарор қилдик. Бир қаровсиз эски бинони олиб таъмирладик. 40 та тикув машинаси ўрнатдик. Эркаклар қўйлақлари, шимлари, аёллар учун халатлар, қўйлақлар ишлаб чиқара бошладик. Бизнинг маҳсулотлар таннархи арзон бўлганидан савдо шаҳобчалари катта миқдорда қабул қилишарди. Ишимиз кундан-кунга авж олиб борарди.

Кооперативимизда 30 дан ортиқ қиз-жувонлар хизмат қиларди. Шулардан бир жувон менинг диққа-

тимни ўзига тортарди. Бу аёл озода, ҳушқақчақ, берилган ишларни каму кустисиз бажарар эди. Билишимча, бу аёл турмуш курганига бир неча йил бўлишига қарамай бефарзанд эди. Бир куни гап орасида мен бу аёлга узини синаб қуришини маслаҳат бердим. Умида ҳеч нарса демай бир кулиб хонамдан чиқиб кетди. Эртасидан ишга келмай қўйди. Мен хавотир олиб

ДИЛ ИЗҲОРИ

қизлардан бири унинг уйига юбордим. У яхши янгилик топиб келди. Умида янги дунёга келган қизалоқни асраб олибди. Қизлар қатори мен ҳам хурсанд бўлдим.

Шу тариқа бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Умида ҳар ой келиб боласининг пулини олиб кетар эди. У бир келишида, эрининг «Сен туғмас хотинсан», — деб ҳақорат қилганини айтди ва: «Ўзимни синаб қўрмоқчиман», — деди. Айб эрида эканлигига ишончи қомиллигини айтди...

Шундан кейин Умида қуринмай кетди. Бу орада хом-ашенинг нархи баландлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотимиз ўтмай қолганлиги сабабли корхонамизни ёпишга қарор қилдик. Мен яна ўз соҳам бўйича ишга кириб кетдим. Бир куни Уми-

да менга кўнғироқ қилиб ўғиллик бўлганини, уйда байрам бўлиб кетганини айтди. Уша йилда фарзандлик бўлди, деб Умиданинг отаси, акалари туйни бошлаб юборишибди. Мен ҳам жуда хурсанд бўлдим.

Биз Умида билан телефон орқали гаплашиб турар эдик. Фарзанд бир ёшга тулганда мен учрашувга таклиф қилдим ва ўғлига совға-саломлар олиб бордим. Учрашдик. Худди қуйиб қўйгандек орасининг ўзи.

Шундан кейин биз бир ойда бир-икки марта учрашиб турадик бўлдик. Орадан 6 йил ўтди. Ҳозир Нодиржон (боланинг исми) 7 ёшда. Умида менга соғлиги ёмонлашганини, врачлар унга яна туғишини маслаҳат беришганини айтди. Мен унга шундоқ ҳам ғуноҳга ботганимизни, вақт-соати етиб бу ғуноҳимиз учун жавоб беришимиз кераклигини айтдим. Лекин Умида ўз сузида туриб олди.

Умиримда биринчи марта газетага мактуб йўллаб маслаҳат сўраялман. Нима қилай, қай йўлни танлай? Бошим қотган. Жавобларингизни газета орқали оламан деган умиддаман.

А.

Тошкент

БУНДАЙ ОТАНИ ОТА ДЕБ БУМАЙДИ

(«Дадажоним меҳрига зорман...» 43-сон)

Бу мақолани ўқиб қаттиқ ҳаяжонландим. Наҳотки, дунёда шундай тошмеҳр оталар бўлса, наҳотки, ўз фарзандининг касалхонада эканлигини била туриб бир марта ҳам қургани бормаса? Бундай отани ота деб ҳурматлаб бўладими?

Синглим Нарғиззоҳон, ҳеч ўқинма, ойижонинг умирларини ўзоқ қилган бўлсин. Сен дадангни йўқотганинга афсусланма, аксинча, дадан — Шавкат ака сендек қизидан ва уканг Маъруфжондан айрилгани учун азоблансин.

Сайёра ИРНАЗАРОВА,
9-синф ўқувчиси

ЯХШИ ҲАЁТ
ИНСОННИ ҒУЗАЛ
ҚИЛАДИ

(«У аёл бўлса-да, мард эди», 42-сон)

Салом Давронбек ука, мен сизга шу хатимни йўллаб эканман, аччиқ гапларимга хафа бўлманг. Халқимизнинг «Дуст ачитиб, душман қулдириб гапирди», деган мақоли бор. Бизнинг ота-боболаримиз умрбод Аллоҳ юборган Қуръони Каримга, Ҳадисга риоя қилиб келган. Оила мустаҳкам бўлган. Ҳозирги замониимизда бутун дунё бўйича муаммо бўлган оиланинг бузилиши, ажралишлар қўлиги, ҳар хил касалликларнинг тарқалиши, ароққа мукка қўювчилар, наша чекувчилар, кимор ўйинлар, номуссиз кинолар одамларни йўлдан урмоқда.

Ҳаёт жуда қисқа, кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Хар бир дақиқа тиллога тенг. Биз қайиқдагиларнинг жони бир деганларидек, бу муаммоларни ечишда, ёмон иллатларга қарши курашда, кўпчилик бўлиб курашишимиз керак.

Давронбек ука, бу гапларни ёзганимга ҳайрон бўларсиз. Ахир ўғирлик ҳам нинадан бошланади. Сизнинг оилангизнинг бузилишига ҳам оз қўлибди. Лекин, бу хатни ўқиб бир хурсанд бўлдим, яна бир хафа бўлдим.

Хурсанд бўлганим, ҳаётда адашиб юрган ёш қизлар, ёш жувонларни ўйлатадиган мактуб ёзибсиз. Зора, улар Ғулининг рафторидан, ахлоқидан ибрат олиб, тўғри хулоса чиқариб олишса. Лекин хафа бўлганим сабабини гапирмасам ҳам иложим йўқ. Оилали одам ўз хотинига хиёнат қилиб, бошқа бир аёлни севиши катта ғуноҳ. Ўз хотинингиз ўрнида синглингиз ёки ойингизни қўйиб кура оласизми? Сиз синглингиз, опагизнинг оиласини бузилишини хоҳлайсизми? Иккинчидан, сиз ўз харакетингиз билан қизнинг шаънига доғ туширишингиз мумкин эди. У қиз сизга турмушга чиққанида у сизнинг фарзандларингизнинг кўз ёшларига, хотинингизнинг қарғишига қолар эди. Агарда сиз ўз хотинингизга ширин муомала қилсангиз, машинангизга қўйғирчоқдек қилиб утиригизиб қўйсангиз, у аёл ҳам Тошкент маликасидан қолишмас эди. Чунки яхши ҳаёт, севги ҳар бир одамни гузал қилади. Маҳалладаги ёш қизлар сизга яхши дуолар қилар эди. Давронбек ука, менинг сизга маслаҳатим, ота-боболарингизнинг руҳини шод қиламан десангиз, оилам мустаҳкам, бахтли бўлсин десангиз, маҳалла куйда обрўли, мумин одам бўлишини истасангиз, Қуръони Карим, Ҳадис китоблардаги Аллоҳнинг қоидаларига риоя қилинг, билимга чанқоқ бўлинг одамларга яхшилик қилинг. Аллоҳ таоло сизга тиллодан тахт эмас, толедан бахт берсин.

О.

Тошкент

МУҲАББАТ ҚАРҒАЙДИ ҲАЛИ...

Осмон чўкиб қолди бу оқшом
Қонимда бир гашлик ўрмалар.
Мен оловга отарман энди
Юрагимни қийма-қиймалаб.
Ёқа ушлаб қолсин қўрганлар
Оловларга отгум уни бас.
Ёниб кетсин чирсиллаб қалбим
Яшаш керак...

Мен сизнинг мақолангизни ўқиб, жуда ҳам таъсирланиб кетдим. Сизни олам дейишни ёки синглим дейишни ҳам билмайман. Шунинг учун «Дугонажон» деб атагим келди. Дугонажон, сиз оилада ёлғиз қиз экансиз. Ота-онангизни ишонган тоғи ва боғи — Сиз ўзингизни утга ташлаб нима қиласиз. Худога шукр қилинг, Худо сизни ундан вақтлроқ ажратибди. Агар сизни алдаб юрaverганда-чи. Бундай безори, виждонсиз йигитлардан бошқа нарсаларни кутса ҳам бўлади. Бундай кун-

(«УНИНГ ТҶЙИ ТЕЗРОК
ЎТСАЙДИ» 46-сон)

ни ҳеч кимнинг бошига солмасин. Дугонажон, сиз уйлаб гапиринг. «Тўғри келган йигитга турмушга чиқсамми», — дебсиз. Асло. Шошилман. «Сабрининг тағи сариқ олтин». Ҳали у шундай пушаймон бўлсинки, сизни қурганда эзилиб кетсин, сизга ҳавас қилсин. У сизни қўғирчоқ қилганидан уялсин. Уни сиз қарғаманг, муҳаббат қарғайди. Ҳозир сизнинг ҳолингиз не кечиб турганини сезиб турибман. «Мен ўзимни бир нима қилиб қуйишдан қўрқаман», — дебсиз. У йигитга ўзингизни бир нима қилишингиз ҳайф. Ундан кура унинг кўз олдига уйнаб-қулиб юринг. Бахтингиз ҳали олдинда. Ўзингизни босинг, тушқунликка тушманг. Сиз ҳам мен сингари ёлғиз қиз экансиз. Мени ўзимга яраша қизлик ор-номусим, ифратим, гурурим бор. Шу уч нарса топтали-

шини хоҳламайман. Сиз йигитларнинг ҳаммасини ҳам виждонсиз, алдоқчи деб атаманг. Шундай йигитлар борки, қули бўлсангиз арзийди. Сиз шунинг учун доимо мағрур бўлинг. Мен севги бобида доимо мағрурман.

Мен мағрурман, майли
ўзгани сев.
Мафтун бўлсин сенга
ўзга дил.
Бу дунёда ҳеч бир нарсанга
Севгига ҳам мен
бўлмайман қул.

Дугонажон, мен ишонаманки, ҳали сизга Отабекка ёки Фарҳодга ухшаганлар шундай совчи қўйсинки, сиз унга Қумушбиби ёки Ширин бўлиб қолинг.

Бону ҲАСАНОВА,
Фарғона вилояти, Риштон тумани

«ОШ ҚОШИҚ»НИНГ СИРИ

Баъзи юртошларимиз «Ётиб қолгунча, отиб қол!» — қабилида иш юритади. Россия Федерациясига яшаш учун қулиб кетаётган Зоя Винернинг контейнери божхоначилар текширувидан ўтказилганда олти дона ош қошиқ топилди. Лекин металлдан ясалган умумий нархи 30 минг сумлик бу қошиқлар махсус қўриқдан ўтказилмаганлиги Тошкент шаҳар 5-божхона масканида маълум бўлди.

«ПАХТА» ҚЎЙМАДИ

Наманган. Той пахтанинг қадрини қиз узатаётган ёки уғил уйлантираётган одамлар яхши билишади. Янги

Божхона хабарлари

келин-куёв учун кўрпа-тушак, Ёстик тайёрлашда шу мато кўп асқотади.

Жалолободлик Жўрабой Ҳасанбоев Косонсой деҳқон бозоридан 40 килограмм пахта тойини сотиб олиб яширин йўл орқали Қирғизистонга кетаётганда божхона «тури»га илинди.

Энди айбдор минг «хўнар» курсатмасин, барибир божхоначиларга «пахта» қўелмади.

ОМАДИ ЧОПМАГАН ОЙБЕК

Андижон. Ушлик Ойбек Тўхтасинов сояярқа ёқилгисидан мумай даромад

қилмоқчи эди. Шу мақсадда у 800 литр сояярқани улғуржи савдо қилди. Хар бир литрини 23 сўмдан сотиб олди. Агарда бу ёқилгини Қирғизистон республикаси ҳудудига олиб ўтиб кетганда марра уники эди. Пичоги мой устида бўларди. Лекин Ойбекнинг омади чопмади. Сояярқа ортилган оқ машинасини «Ёр кишлоқ» божхона ходимларига чегарадан ўтказишмади. Эндиликда О. Тўхтасиновнинг бундай ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Комил ТОШ,
Мухтор БЕК

Табриклаймиз!

Хурматли Ёлтам Нурмуҳоммадов!

Сизни туғилган кунингиз ва янги йил байрами билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, оилавий бахт тилаймиз.

Укаларингиз
Илхом, Зафар,
Музаффар
Навоий вилояти,
Навбахор тумани.

Хурматли Ғринбой Махмудов!

Сизни 31 декабрь — туғилган кунингиз билан кутлаймиз! Оилангиз, фарзандларингиз — Умиджон ва Шаҳзодаҳоннинг бахтига ҳамisha соғ бўлинг.

Дўстларингиз

Мухтарам

Ғайрат Алиев!

Сизни кириб келаётган янги йил ва 1 январь — таваллуд кунингиз билан чин қалбимиздан кутлаймиз. Бахтимизга соғу саломат бўлинг.

Рафиқангиз
Манзура ва
қизингиз
Мадина

Қизимиз Зулфияхон!



соғ, орзуларингизга етиб бахтли бўлишингизни тилаймиз.

Ота-онанг, опанг,
сингилларингиз ва уканг
номидан отанг Сайдиғанни

Олажоним — Любимая НАУРАЖОНОВА!

Сизни 31 декабрь — туғилган кунингиз ҳамда янги йил айёми билан табриклаймиз. Оиламиз ва оилангиз бахтига ҳамisha соғ-саломат бўлинг. Фарзандларингиз камолини кунинг.

Оиламиз номидан
сингилнингиз — Дилбар

ТАБРИК

Сухбатдошим-Хушнўза Арслонова. Ўзбекистон Болалар жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг раисаси, Шўҳрат медали совриндори. 1949 йилда туғилган. Оилали. Уч фарзанднинг онаси. Олий маълумотли.

Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича болалар билан ишлайдиган муассасалар ходимлари орасида Хушнўза опани танишмайдиганлар йўқ, дасак муболага бўлмас. Боқилари меҳри, вужудига гайрат-шижоат ёғилиб турадиган бу аёл ҳамisha савобли ишларга бош булганлиги билан фархланиб юради.

Хушнўза опа, жамғарманинг асосий иш фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.

— Жамғармамиз уз иш фаолиятини савобли жамоат ташкилотлари, қўлида яхшиликка мойиллиги бўлган бадавлат одамлар билан боғлаб, уларни савоб ишларга даъват қилади ва тушадиган пулларни етиш-еири, ногирон, кам таъминланган, кул болали оилаларга хайрия ердмаларини беришга қаратади.

Бундан ташқари биз кўпроқ укув-таълим муассасалари — мактаблар билан боғланамиз. Истеъдодли болалар ва уларнинг қобилиятларини ривожлантиришлари учун имконият яратиб берамиз. Масалан, бола ниятда билимга чанқок, талантли, лекин оилада боланинг билим олишига моддий шароит етарли эмас. Дарҳол биз ердмга

борамиз. Боланинг қизиқишига қараб, кул-лаб юборамиз.

— Демак, Хушнўза опа сизнинг жамғармангиз халқнинг ўзидан олиб яна ўзига қайтариб, уртада адолат тарозиси вазифини бажарар экан-да!

— Яқинда Чилқозор туманидаги «Мастон чевар» хусусий корхонасининг раҳбари Гўлмира опанинг жамғармамиз ҳисоб рақамига (202120001001340830001) Ўзсавдогарбанки МФ000439) ўтказган ердм пули билан ногиронлар кўнида канчадан-канча уқсик қалбларга илиқлик олиб кирди.

Ха. Ҳадиси шарифда ёзилишича, бир ўқсик қалбнинг кўнглини овлаш ҳаж сафарига борганчалик савобли экан.

— Хушнўза опа, мана яқинда эзгулик йўлидаги ишларингиз муносиб баҳоланган. Шўҳрат ордени билан тадбирлангиз. Бунинг устига яқинда 50 ёшга тўлар экансиз, кўшалоқ мукофот мўбрак бўлсин!


— Раҳмат, синглим. Бу йўқофот мени янада кутаринки қайфият билан ишлашга ундайди.

— Аёллар йилида муштарийларимизга тилакларингиз...

— Аёлларни оилада ва жамиятда ёзозли куриш сўз этсин.

Сухбатдош: Н. РАЙИМ ҚИЗИ

Али ота-жонимиз Ҳасанов Ғуламжон Ғафуров!



Сизни 30-декабрь — таваллуд айёмингиз ва янги йил байрами билан чин қалбдан кутлаймиз!

Сизга соғлиқ, ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Бахтимизга доимо омон бўлинг! Рафиқангиз Дилфуза,

Фарзандларингиз Алишер, Шахноза, Қобилжон, Гулноза

ЭЪЛОН:

АООТ «Трансавтотуризм» халқаро йўналишида катнаш учун берилган 8326 ва 2695 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Охунбобоев номли тиббиёт билим юрти томонидан, 20 июль 1977 йилда АБДУРАҲМОНОВА МАВЖУДА АБДУНАБИЕВНА номига берилган 979639 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шайхонтоҳур туманида 5-сотиҳ, 5-хоналик планли ховли

СОТИЛАДИ. Тел: 55-27-23

Тошкентлик, оиласидан ажрашган, 33 ёшдаги оғир-вазмин, йигит ўзига муносиб аёл билан танишишни истайди.

«ОИЛА-525»

Ажаб дунё

КУЧ КЕФИРДАМИ?

70 ФАРЗАНДИ ОРЗУ ҚИЛГАН ОТА

Туркиянинг Косеҳасан қишлоғидаги Абдурахмон Атмажа оиласида эгизак қиз дунёга келди. 20 кундан сунг яна бир ўғил туғилди. Бу қувонч устига қувонч бўлди. Эгизак қизлар Абдурахмон Абдо оганинг туртинчи, ўғил эса учинчи хотинидан эди.

71 яшар Абдо оганинг 45 фарзанди бор. Фарзандларининг оналари — Зоҳида, Гулноз, Иден ва Чикаклардир. Турт хотиннинг каттаси 67 ёшда, энг кичиги 36 ёшда. Хотинлар уз ховли-жойли уйларига эга бўлиб, ҳеч қаерда ишламайди. Фақат бола тарбияси билан шуғулланишади. Ота эса турт оилани ҳам деҳқончиликдан келган даромад ҳисобига боқади.

Абдо оганинг 60 келинидан 70 нафар невараси бор. Ўзи ҳам етмиш фарзанднинг отаси бўлиш орзусида. Шу йул билан Гиннеснинг машҳур китобида номи ёзилишини истайди.

— Менинг семимли емишим, — дейди Абдо ога, — йогурт, яъни кефирдир. Ундан ҳар куни 5 литргача

истеъмол қилишим мумкин. Кунда бир кути сигарета чекман ва 4 оиламдан бириникига меҳмонга бораман.

63-ФАРЗАНДИНИ КУТМОҚДА

Анголалик оқ танли фуқаро Франсиску Нортон Сильва Бенгел деган порт шахрида истиқомат қилади. Соч-соқоли оқарган бу одамнинг 62 нафар ўғил-қизи бор. Невара-чевараларининг ҳисобини у аллақачон унутиб юборган.

Нортон-Сильва Белгиянинг Конгдси, ҳозирги Зоирдаги мис конларида ишлаб юрган пайтда, 1933 йилда биринчи фарзандини курган эди. У ўзининг узоқ умри давомида кўп марта уйлانган. Яқингача ҳам Нортон уч хотини билан бирга яшарди. Яқинда уларнинг каттаси 20 йиллик турмушдан сунг вафот этди. Бу ҳол, аёл эрига 62чи фарзандни туғиб бераётганда содир бўлди. Онасиз қолган чақалокни ўғай оналар катта қилишмоқда.

Шу йил, октябрда «қахрамон ота» 78 ёшга кирди. У хотинларидан яна бирининг йил охиригача туғиб бери-

шидан умидвор. Аллоҳ насиб этса, бу ҳам сунггиси бўлмаса керак.

КўЧАДА ЎПИШИШ-ЖИНОЯТ

Бирлашган Араб Амирлигига бориб қолган чет эллик аёл эри билан кўчада ўпишгани учун икки ой қамок жазосига ҳукм қилинди. Ҳатто судланувчининг «бўса саломлашишнинг ўзига хос аломати» деган сўзлари ҳам ердм бермади, — деб ёздади Бельгияда чиқади-ган «Суар» газетаси. — Араб Амирликларида амал қилинадиган шариат қонунлари жамоат жойларида эркак ва аёлнинг «ҳар қандай жисмоний алоқаси»ни таъқиқлайди.

Ўпишувчиларга нисбатан Деҳлида ҳам яхши муносабатда бўлилмади. Маҳаллий тартиб назоратчилари ҳали уша 1861 йилдаёқ қабул қилинган Викториан қонунига мувофиқ жамоат жойида ўпишишни қонун бузиш, деб қарашади.

Мадина МУҲИДДИНОВА
тайёрлади

ТУШ ТАЪБИРНОМАСИ

ОТДА ҲИКМАТ КЎП ЭКАН...

Оила аъзолари билан бирга «Туш таъбирномаси» рукнида берилган мақолаларни қизиқиш билан мутула қиламиз. Чунки бизнинг қундалиқ ҳаётимиз, юриш-туришимиз, қилган ва қилмадиган ишларимиз, бўлган ва бўладиган воқеалар, барча сиру синаотлар менимча тушга боғлиққа ўхшайди.

Энди онам айтиб берган бир туш тафсилотлари таъбирини муштарийлар билан баҳам қурмоқчиман. Менинг онам кўп хислатли аёл эди. Маҳалламизда «кинначи момо» деб аталиши билан бирга фол ҳам очар, туш таъбирларини ҳам айтиб берар эди. Шу хислат онамга бобомдан ўтган бўлса ажаб эмас.

Бобом уз туманларида туш таъбирларини ечишда машҳур бўлган эканлар. Бобом бўладиган воқеа ва ўзгаришларни ҳам олдиндан айтиб берар экан. Онамининг айтишича уруш даври ҳамма қатори катта тоғам ҳам жанггоҳда Ватанини ҳимоя қилган эканлар. Тоғам урушга кетгандан кейин бир йил утар-ўтмас бобом бир туш кўрибди. Тушида бир аргумок от охурда боғлиқлик турган эмиш. Бобом эрталаб туриб, буйимга: «Кампир тайёргарлигини куравер, яқин орада уғлимиз келиб қолади. Лекин шу отнинг бир жойида камчилиги борга ўхшайди», — дебди. Бир ҳафталар ўтган бобом яна буйимга: «Кампир, отнинг устига жабдуқ билан эгар урилди, дийдор қуришимизга оз фурсат қолди», — дебди. Уч-тўрт кун ўтган бобом анча барвақт туриб тахоратни қилиб, узоқ вақт намоз ўқиб, худого шукр, етказган кунингга шукр деб намозини тутатиб, янги кийимларини кийиб, буйимни ҳузурларига чорлаб шундай дебди: «Кампир, отга айл тортилди, бошига сувлиқ солинди, минишга таппа тайёр бўлди. Бугун-эрта эгаси келиб қолади», — дебди.

Бобом айтганларидек уша куннинг уздаёқ пешин маҳали тоғам жанггоҳдан қайтиб келибди.

Фақат тоғамнинг ўнг қули тирсагидан йўқ экан. Бобом тоғам билан йиғлаб қуришар экан, мана отнинг камчилиги қаерда экан, деб тоғамни бағридан бушатмасмиш. Шу сабабдан тоғам жанггоҳда душман билан туқнашиб, бир қулидан айрилиб тўққиз ой деганда қадрдон қишлоғига кириб келган экан.

Тошпўлат Парда ўғли,
Ангрн шахри

1 Тасодифан бир газетада бизга сабоқ берган домламининг суратини кўриб қолдим, бундан 18 йил илгари бошимдан ўтган яхши-ёмон кунларимни эсладим.

Бир бошдан сузлаб берай. Урта мактабни битирдим, тикувчилик техникумига кириш учун онам билан тоғаларим-нигига — Тошкентга келдик. Хужжатларни техникумга топшириб қайтдик. Иштихонларга ўзим бордим. Ётоқхонага жойлашдим.

ЭНДИ

Ётоқхонада ҳали таътилга кетмаган студентлар бор экан, буй-бастимга қараб гапга солувчилар кўп бўлди. Лекин, ҳеч ким кўнглимга ёқмасди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, 4 август куни келишган бир йигит билан танишиб қолдим. Ўзимиз томондан экан, бўйлар баланд, тоза кийинган. Зиёда ака (уша йигит) практикада экан. Биз ҳар куни куришиб гаплашиб юрдик.

Иштихон топшириладиган кун оийм келдилар. Кетишларида эса Зиёда акани таништирдим. Шунда оийм, «Ўзимиз томондан экансиз ўғлим, қизимга қараб юринг, уни сизга топширдим», — деб кетдилар. Ана ушунда фаришталар астойдил «омин» деган эканларми...

Иштихонларни топширдим, аммо балим етмай уша йили уйга қайтиб кетдим.

Зиёда акам билан хат ёзишиб, 2-3 ҳафтада бир куришиб турдик. Келишларини орзиқиб кутардим. Ушунда у киши 19, мен эса 17 ёшда эдик. Ёшликнинг эҳл бегубор дамлари... Биздан бахтли одам йўқ дунёда! Биз муҳаббат домига тушган ошқлар эдик. Ягона орзуимиз — бирга бўлиш эди...

Шу йили бекор юрмай деб, мен билим юртига кириб, тикувчиликни ўргандим. Сунгра яна қайтадан астойдил ҳаракат қилган эдим, уша техникумга қабул қилиндим. Ниҳоятда хурсанд эдим, лекин олдинда мени нималар кутаяпти, билмасдим. Зиёда акам билан ҳар куни куришиб тура-миз. Биргаликда киноларга боришни, «Севишганлар» ҳиббонини сайр қилишни яхши курардик.

Ўқишларимиз аёло эди, бир-биримизга ёрдам берардик. Ҳамма бизга ҳавас қиларди. Аммо кўз тегди, шекилли...

Бир куни ҳаёт бизнинг муҳаббатимизни синаб курмоқчи бўлдим, бошимизга оғир мусибат солди.

ҲАҚАТ

Дугоналаримиз ҲАҚАТ хонада гурунглашиб утирарканмиз Раъно ваҳима билан кириб келди. Ётоқхонадаги Робия (у кишини та-нирдим, биздан икки курс юқорида ўқирди, ўзимиз томондан. Кўп бора бирга утирарканмиз) укусус ичиб қуйибди. Ҳомилдор экан, Зиёда акани айбдор қилиб курсатибди... Бу гапдан қотиб қолдим.

Юғуриб Зиёда акамни хонасига чиқдим. Йўқ, милиция бўлимига олиб кетишибди. Ўзимни қўярга жой топа олма-дим.

Унинг сиртки бўлимда ўқийди-ган акаси билан Собир деган дўсти олди-га бормоқчи бўлишди. Мен ҳам бора-ман, деб йиғлаб туриб олдим. Ноилоҳ қунишди. Милиция бўлимига бордик, киришмадик.

Шу куни эрта-табача ағанаб, ху-

2 нграб йиғлаб чиқдим. Кўз ёшларимни ҳеч тўхтата олма-сам-жим. Фақат «Бунақа бу-лиши сираям мумкин эмас», дей-ман холос.

Эрта тонгда яна бордик, курсатишмади. «Бориб қиздан хабар қол-инглар, ўлиб қолмасин, бирор нарса юз берса қанчага кетади», — дейишди. Кейин касалхонага бор-дик. «Қизга қон керак», — дейиш-ди. Ҳамма қон берди. Уша пайтда мен грипп бўлиб оғриб юргандим. «Сендан қон олмаимиз», — дейишди. Мен эса «Мен улсам ҳам майли, шу қиз тўзалиб кетса бўлди, олақонларга» дея ялиниб ёлвордим. Йўқ, уришиб беришди. У ердан йиғлаб-йиғлаб милиция бўлимига яна бордик. Зиёда акани чақизиб юборишибди. Хурсанд бўлдик. Собир акага қараб кулама-ну, кузларимдан ёш қуйилади. Ётоқхонага қайтдик. Зиёда акам бир кунда озиб кетган, кузлари ич-ичига ботиб кетибди. Бир-бири-мизни кучоқлаб йиғлаймиз, йиғ-лаймиз, йиғимизни тўхтата ол-маймиз. Кейин: — «Менга ишона-санми, у қиз билан алоқа қилма-ганман, ишонмасанг юзимга ту-пуриб кета қол», — дедилар. «Йўқ, сизга ишонаман, шундай пайтда сизни ташлаб кетмайман», — де-дим йиғлаб.

ЯХШИ

«Эй муҳаббат, эй муҳаббат, не куйларга солиб куйдинг бизлар-ни»...

Зиёда акамнинг айтишларича, ми-лиция бўлимида катта ёшдаги бир киши: — «Бу ердан тезроқ чи-қишингни бирдан-бир йўли — шу ишни бўйинига олиб ёзишинг ке-рак, бўлмаса 15 йилга қамашади», — деб маслаҳат берибди. У қиз-нинг эса ички аъзоларининг 80 фоизи қуйиб кетган. экспертиза қилишининг илоҳи бўлмади. Қиз-

Дил изҳори

нинг прокурор тоғаси бор экан. «Йигит энди жиянимга уйланади, бўлмаса қаматаман», — дебди. Ота-оналари Зиёда акани ЗАГСдан утказишга қунидиришди. Бу гап-ларни эшитган, қандай аҳволга тушганимни курсангиз эди. Зиёда акам «емаган сомсага пул ту-лайманми», — дейдилар. Иккала-миз озиб-тўзиб, буларимиз бўл-дик. Бир-биримизнинг кўнглими-зни кутарамиз. Бу тўхматлар ҳам бормиди-я, бошимизда?

Уша жойимда кузларимдан ач-чиқ ёшлар қуйлаверди. Бир куни мастеримиз «қуйинг бир йигит учун шунчалик қуясизми?» — де-ди «Куймай бўладими, опажон?»

Ишни бошқа биров қилдио, мен эса маломатга қолдим. Атро-фимизда юрган дўстлар тарқа-б кетишди, ҳеч ким билан гаплаш-майди. Ҳамманинг ҳавлида Зиёда акам билан у қиз олдиндан севи-шиб юришгану мен эса ўртадан чиққан қақир тиканак бўлиб қол-дим. Ётоқхонада бош кутариб юролмайман. Майли, деб буниси-га ҳам чидадим. Аммо...

Бир куни Ётоқхона тарбиячиси (аёл киши): «Сени дўхтирга олиб бора-ман», — деди. «Сениям бир бало қилиб қўйган», — деган маънода. «Бу қанақаси бўлди», — деб йиғладим. Тарбиячини кут-май, ўзим дўхтирхонага отландим. Йўлда, «агар дўхтир бирор нарса деса, ўзимни анҳорга таш-лайман», — деб аҳд қилдим. Эҳ, ёшлик-ғўрлик деб бекорга айтиш-маскан. Ахир ҳеч ким тегмаса ҳеч нарса бўлмаслигига, ақлим ҳам етмабди. Бордим, кирдим, рус аё-ли экан. «Ётоқхонада ҳеч ким мен-га ишонмапти», — деб йиғла-дим. «Бирорта йигит сени ҳафа қилди-ми?», — деб суради. «Йўқ», — десам «Ишонмаслиқа ҳақлари йўқ, ундайларни судга бериш ке-

3 рақ. Бор, ҳафа бўлма», — деб ширин сўз билан чи-қарворди. Озгина бўлсада кўнглим ёришиб қайтиб келдим.

Зиёда акам уша қиз билан ЗА-ГСдан утишга кетдилар. Мен эса бу ёқда қон йиғлаб қолдим. Кел-дилар, фақат қозғода номига бел-гиллашибди. Энди буёғда яна ме-ни сиқувга олишди. «У уланган, у билан гаплашма, у билан уч-рашма», — коменданту тарбиячи-нукўл шунақа дейишади (у қиз ота-онасиникида). Қанақа қилиб куришмайман севган одамим бил-ан. Йўқ! Бизни ҳеч ким ажрата олмади. Ётоқхонадан билдирмай бирин-кетин чиқиб кетамиз, ҳиё-бонларда юриб, киноларга тушиб, дўстларимизнинг олди-га бориб. Тўйиб-тўйиб гаплашиб, яна бил-дирмай кириб келамиз. Уч ой шу-нақа қилиб ўтди. Шу орада ҳақи-қат ҳам очилиб қолди. Уша тўхмат қилган қиз ижарада турадиган йи-гитлар билан алоқа қилиб юрар-кан. Зиёда акани яхши кургани учун унинг номини курсатибди (на-қадар пасткашлик, ахир биларди-ку бир ярим йилдан бери бизни-нг учрашишимизни!). Уйга борсам, онам бир нима сезгандай, «Намун-ча озиб кетдинг, болам, бундай ёрилай демасан», — деб қўярдилар. Қандай айтиб ойишжон, ичим қуйиб кетяптию, уяламан...

Энди Ётоқхонадагилар мени оз-гина тушунадиган бўлишди. Бази-лар Зиёда акамдан ҳатто ке-чирим сурашибди мен учун. Уша йили Зиёда акам битирувчи курс эдилар, дипломларини бирга ёз-дик. Бир куни Собир ака билан икковни сочларини олдириб, «ар-мияга кетяпмиз», — деб келишди. Ишонмайман, — «Қанақа қилиб, қақирув қозғи келмаган бўлса?». Кейин билсам Собир акага қақ-и-рув қозғи келибди. Зиёда акам ҳам бирга борибдилар-да, армия-

га кетиш учун ариза ёзиб, сочла-рини олдириб келибдилар.

Зиёда акам бечора, бу бухтону-тўхматлардан узоқроққа кетай, — деган эканлар. Менчи-мен қаёққа кетай? Йиғлаб қузатдим. Тақдир-ни қарангки, уша дўсти билан бирга битта жойда хизмат қилиш-ди.

Мен эса яна тақдирга қуниқдим. Хат кутиб яшайман. Ҳар куни хат ёзишга ҳам эринмайман.

И курсни битириб, уйга бориб дам олдим. Бироз ўзимга келиб олдим. Сентябрьда яна Ётоқхонага қайтдим. Қутилмаганда комендант «Сендақаларга бу ерда жой йўқ!» — деса бўладими? Индамадим. Дугонага: «Юринг, ижарага жой топиб тура-миз», — десам рози бўлмади. Яна йиғлаб ўзим қичиб кетдим. Қаерга, кимга бора-ман, — билмайман. Техникум атрофидаги уйлардан сурадим, Ётоқхона атро-фидан қидирдим — жой йўқ. Эн-ди нима қиламан?

«Севишганлар» ҳиёбонига кир-дим. Бир ўзим ўтлар устида ути-риб йиғладим. Қаттиқ бақиргим келди. «Айбим нима — севганими-ми? Ҳаёт ситамларининг охири бормикан? Нега мени ҳеч ким ту-шунмади?» Анҳор бўйига бордим, ўзимни сувга ташласам, ҳаммаси тугайди, дейман. Йўқ, Зиёда акам менсиз нима қилади. Шаштимдан қайтдим.

Комсомол кулига бордим, ути-рдим, кеч бўляпти, нима қилишни билмайман. Ёнимга шилқимроқ йигитлар келиб утиришувди, ту-риб кетдим. Секин кетаётсам, ик-ита ўзимиз томонли йигитлар (Ётоқхонада туришарди): — «Ха, бир ўзингиз нима қилиб юриб-сиз», деб сурашувди, йиғлаб юбордим, булган гапни айтиб бер-дим. «Юринг Ётоқхонага», — дейишди. «Бормайман», — десам зўрлаб олиб боришди. Бориб, ко-мендант билан анча уришишди.

4 й ўқ, кейин менга хона ҳам ажратиб беришди. Ана шу ерда яна бир йил яшадим. Шу бир йил ичида ҳамма мени қанақалигини билиб қолишди. Кимдир қадди-қоматимга, кимдир хулқу-атворимга, ким-дир чин муҳаббатимга ҳавас қиларди. Қанча-қанча ошқлар ноумид кетишди, ҳаттоки бир йигит «Севганим бор», — деганимда, қузига ёш олиб кетди.

«Вафо, садоқат бор бўлсин!» — дейман.

6 ойдан кейинг стипендиямни йиғиб, Зиёда акамнинг олдидиларга бир марта бориб келдим. Севган кишингни кўрмай қандай яшаш мумкин? Бир куни Зиёда акамнинг бир курсдоши (ҳамма гапдан ха-бардор) олдимга келиб: «Нима эн-ди «ушани» кутасизми, менга тур-мушга чиқинг», — дейди. «Йўқ, «ушани» кутаман!» — дедим қатъий қилиб (6-7 йилдан кейин бизни бирга қуриб жуда нуқулай аҳволга тушиб қолганди).

Зиёда акамдан интизорлик билан хат кутаман. яна 6 ой ўтиб, олди-ларига яна бориб келдим. Қиз бо-ла бошингиз билан бу нимаси дерсиз? Негадир ҳеч нарса-ҳеч қандай тўсиқлар йўқдай, ҳеч нар-садан қўрмайман, узоқ йўл бўлса ҳам қўрмайман. Муҳаббат мени кур, қар қилиб қўйганмиди?

Шундай қилиб 2 йил ҳам ўтди. Зор-интизор бўлиб кутган висол кўнлари ҳам келди. Зиёда акам ар-миядан қайтган институтга ўқишга кирдилар. Яна бир йил ўтди.

Бир куни уйимизга совчилар ки-

риб келишди. улар биз Зиёда акам билан 5 йил битиролмай юрган ишни би-тириб кетишди.

Тўй куни белгиланди.

Ўз уйимдан оппоқ либосда оқ юз билан чиқиб кетдим. Ота-онамнинг юзларини ерга қаратган йўқ. Душманларим тилларини

КУНЛАРНИ

ЭСЛАЙМИЗ

тишлаб қолишди — чамамда. Сев-гимиз чин бўлгани учун биз бир-биримизга етишдик.

Мана, худого минг марта шу-курки, шунча азоб-ўқубатлар бил-ан етишган муҳаббатимизни 15 йилдан бери ардоқлаб келяпмиз. Шу ўтган кунларимизни ҳеч қачон бир-биримизга эслатаймиз, у ки-ши менга қаттиқ тегийшдан ҳайқ-салар керак. мен эса дилига озор беришдан қўрмаман. Фақат яхши кўнларни эслаб тура-миз. Мени кейинги тортган азобларимни ҳам билмайдилар. Шунинг учун сиз-ларга ёздим (Зиёда акамга ўқит-майман).

Ҳозир мана 3 фарзандимиз бор, ширин-шакар, уларнинг бўйларига қараб қувонаман, гап-сузларига қараб завқланаман. Фарзандларим даласига ўхша-шни хошлайман. Чунки у киши ақ-ли, ҳушомала, садоқатли.

Ҳозир ҳаётимиз тинч, осуда, фарзандларим — тортган азобла-римнинг ширин меваси бўлса ке-рак.

Бор бўлсин муҳаббат!

МАЎЗУНА

Оила табассуми

ҚИЗЛАРГА ЙИГИТЛАР ҲАҚИДА БЕПУЛ МАСЛАҲАТ

«Баҳорим», — деб эркалатса, севгисига ишонманг. Баҳор — бу гузаллик демакдир. Демак, у сизни гузаллигингиз учун севаркан.

«Сендан яхши кишим йўқ», — деса, унга ишонманг. Демак, уни узи ёмон экан.

«Ишқингизда ақлдан озига, адо бўлдим», — деса, уни бир тиббий куриқдан утказишга ҳаракат қилинг.

«Излаганим сизсиз», — деса хурсанд бўлманг. Сизни излаб топгунча қанаси билан юрганини Худо билади.

«Қайга борсангиз сиз билан бораман», — деган йигитлардан қочинг. Уйлаб қуринг, ҳамма жойга сиз билан бирга борса-я.

ЙИГИТЛАРГА ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БЕПУЛ МАСЛАҲАТ

«Кунглим сизда», — деса, у ёр-бу ерингизни қараб қуринг, агар уни кунглини тополмасангиз, демак у ёлгончи.

«Тунлари уйкумни олдингиз», — деса, уйкусини олган бўлсангиз, қайтариб беринг.

«Шириним, шакарим», — деса, эриб кетманг. Унутманг, ундилар ширинликка ўч бўлади.

«Мен сизни ҳеч кимга бермайман», — деса, хурсанд бўлманг. Нима, сиз унга бирон бир буюммиш?

«Тушларимга кириб чиқасиз», — деса, тушдан чиқиб кетинг. Туйдан олдин нима бор унинг уйида.

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли

ЯНГИ ЙИЛ
ҲАЗИЛАРИ

— Жонгинам, сиз фермаизга ишга келган кунингиздан бери узимни қуярга жой тополмай қолдим. Говмуш сутидай оппоқ қулларингиз тафтидан ийиб кетган бузоқчалар емга туйган гунажиндай пишқириб қуйишади. Агар янги йилда ҳам васлингизга етолмасам, гушта топширилган сўқимдай узимни қурбон қиламан.

Тезакдай хор бўлиб ётган: бузоқ боқарингиз.

— Азизам, сизга терилган гуштни қурсам, васлингиз умидида дардга чалинган жигарим эсга тушади. Ундан оққан сел эмас, қалбим қонидир. Қурадаги олов уни пиширган сари «биров нақ пулга илиб кетади», деб хавотирланаман.

Янги йилда бағримни кабоб қилмай, туйимизга розилик берсангиз, ҳамма меҳмонларни кабоб билан туйдирмаган номард.

Кабобпазингиз
Муктор БЕК ёзиб олди

Янги йилга бир ҳафта қолган эди. Эр-хотин ва уларнинг етти яшар қизчаси Умида эрта бекки йорғишта қилишга буюртма эди.

— Қизим, бу гал Қорбободан қанақа совга кутвоссан? — деб сўради онаси.

— Эйтимайман, — деб жавоб берди Умида.

— Айтақол, она қизим, — деб орага қушдида отаси ҳам.

Шу пайт хонага Умиданинг акаси Бахтиёр кириб келди. У совқотган қуллари қизариб кетган, аммо хурсанд эди.

— Роса қорбурон уйнашдик, — дея битта стулни суриб ўтирди. Кейин синглисига қулиб қаради. — Сан Қорбобонинг борлигига ҳалиям ишонасан-а?

— Нимига бўлмасикан Қорбобо? У киши бор. Манга ҳар йили совғалар олиб келади-ку, — деди Умида.

— Э, галварс. Қорбобо санга ҳеч нарса олиб келмийди. Совғаларни санга...

— Бахтиёр, — деб углининг гапни бўлди дедаси. — Қорбобо бор-ку! Бор деб қуя қолсанг нима бўлади? Ахир узинг шунинг ёшида эканинга, қушимиз Ақмал-хон ака: «Қорбобо йўқ» дегани учун қанча йилгагансан. Ҳозир эсингда йўқдир-да...

— Ҳўп, Қорбобо бор, бор, — деб қуйди Бахтиёр.

— Ёлгон эйтивотти, Узи ишонмийди... Ёмон бола! — деб уридан туриб кетди Умида.

Отаси унинг қулидан ушлади.

— Хафа бўлма, қизим. Қорбобо, албатта, бор-де. Бу гал ҳам сан ухлаганинга, уйимизга кириб келиб, сан истаган совғаларни Ўстигинг ёнига қуйиб кетади. Бизга эса «манинг келганимни айтманглар», дейди. Биз эйтиймиз. Аммо сан барибир билволсан... Ҳўп, бу йил қанақа совғалар кутвоссан бобонгдан?

Умида қулиниб қолди-да.

— Майли, биттасини эйтиман, — деди. — Гулсараникдег оппоқ қуйнак. Мустақиллик байрамига шунча қуйнак қийиб қичқиди. Бирин қироили эканки, мана бунда яшил тасмаси бор, — қўрагини кўрсатди. — Байроғимизга ухшайди.

Эр-хотин бир-бирига зийдан қараб қуйишди.

Бироздан кейин Бахтиёр ҳам, Умида ҳам мактабга кетишди. Эр-хотин эса бошлари қотиб ўтиришар эди. Ҳар йили янги йил байраминдан олдин улар Умидадан Қорбобонинг қандай совғалар олиб келишини қўраётганини билиб олишар. Кейин байрамга бир кун қолганда, уша нарсани ухлаб ётган Умиданинг Ўстиги остига қуйиб қуйиб шарди. Қизлари беҳад хурсанд булар. Уйда югуриб, де-

СОВГА
ҲИКОЯ

— Қорбобо бор эканми, бор эканми? — деб қистади Умида.

— Бор, бор, — деди Бахтиёр. — Ман санга ҳазил қилувдим-де. Ман ҳам совга сурийман яна...

— Сура, сура, — Умида шундай деди-ю, кейин ғамгин бўлиб, қушимча қилди. — Бошқа нарсаям суровдим. Эшитмадиларми — билмайман?

— Нима? Нимайди у? — деб қизикди Бахтиёр.

— Йўқ, сенгаим эйтимайман, — деди Умида. Кейин қўлагини кўз-кўз қилгани залга чиқди.

Бахтиёрга онаси ҳам: «Синглимдан сурагин-чи, тагин нима кутаркан Қорбободан? Билиб бер», деган эди. Бахтиёр онасини ошхонада ҳоли топиб:

— Айтмади, айтмади, — деди.

Она бу гапни отага етказди.

— Нима бўлгандаим бугун янги йил киради, — деди ота. — Энди бир нарса деб алдаб қуямиз-да...

— Нима дейин? Қорбобо фақат битта совга қилади, деб тушунтирайми?

— Майли, Аммо бу гапни Бахтиёр унга тушултиргани маъқул... Илгари фақат битта совга кутарди-я?

— Рост айтисиз. Бахтиёрнинг бу гапни уриниши, «тушултириши» ҳам натижа бермади. Умида унинг гапларига ҳатто қулоқ солмади. Унинг учун Қорбобо — улуг бир сеҳргар бўлиб, болаларнинг Янги йил арасидада истайдиган ҳамма совғаларини мукай қиладиган оппоқ соқоли, нафасидан урмон совғулари уфуриб турса ҳам, қалб-би иссиқ, болақонларга меҳрибон қария эди.

Кун кеч бўлди. Қоронғи тушди. Хоналарда чироқлар ёнди. Залда эса Янги йил столи — дастурхони ҳам тайёр бўлди. Деразалар ортида — куча чироқлари шуъласида лопиллаб ёлғатган қор қуринар, энг катта деразанинг ёнида турган Умиданинг назариди Қорбобо ўша ялтироқ қор ўққунларига беланиб, шошиб келаётгандек. қиз-чагинг линхона совғасини олиб келаётгандек туюларди.

Ота-она ошхонада қуймаланишар, яъни, ота сазан балиқларини тозалаш, кесиб, стол устига қуяра. она балиқ кесиларини унга бўлаб олиб, қозонга соларди.

— Дадаси сизгаим янги йил совғаси бор, — деб қулиди она.

— Менга-я? — деди ота. — Қорбободан совга кутмаганимга минг йиллар булди.

— Барибир, кунглингиз бор экан...

— Ҳўп, у қанақа совга булди?

раза ойналаридидаги ҳар хил юлдузларга ухшаш муз суратларга боқиб: «Раҳмат сизга, Қорбобо!» деб баҳирар эди.

Бу гал у Қорбободан кутаётган совғасининг «биттасини» айтди. Шу биттани топиш ҳам мушкулга ухшайди: Гулсарадан бошқа қизларда ундай қуйлак бўлмаган экан, демак, унга онаси тикиб берган бўлиши керак. Унинг онасига буюртма қилиш нокўлай...

— Қисқаси, Гулсаранинг қуйлаги қанақа эканини билиш керак, — деди она. — Кейин бир гал бўлар...

Она мактабга сым қоқиб, Гулсараларнинг уй телефони рақамини ёзиб олди. Сўнг эрини ишга жўнатиб, уша рақамни телефонда терди. Гулсаранинг онаси қуйлак ҳақидаги гапни эшитиб, материални Эски Шаҳар бозоридан қарид қилганлари, қуйлак-чани миллий байроғимизга ухшаш қилиб тикиш фикри нақ қизчаларидан чиққани, унинг «Америкалик жиннивойлар ҳам қирқ юлдузли қуйлак қийиб юради» дегани, ниҳоят, қуйлакни бозор дарвозаси ёнидаги дўконда қилайдиган яхшуд хотинга тиктирганини айтиб берди.

Шу кунларда Умиданинг онаси таътилга чиққан (бунинг узигагина маълум сабаби ҳам бор...) эди. Демак, бўш вақти сероб. Она иккиланмай Эски Шаҳарга йул олди. Бозор ёнидаги яхшуд тикувчи аёлни излаб топди. Ҳам бичиқчилик, ҳам тикувчилик қиладиган у аёл қулиб-қулиб: «шундоқ қуйлақлар модага қираётибди. Тагин бир неча ўзбек хотинларга тикиб бердим», деди.

Шу кун оқшом маҳали Умиданинг онаси эрига булган гапларни, қуйлак ҳадемай тайёр бўлишини айтиб берди. Ота хурсанд бўлди-ю, тагин уйланиб қолди.

— Ахир, қуйлак — унинг битта истаги-ку? — деди. — Сиз ундан яна алдаб-сўлдаб сўраган.

Она сўради. Умида барибир айтмади.

Ҳадемай бир ҳафта ҳам утиб кетди. Янги йилга бир кун қолганда, Умиданинг онаси йилига ялтироқ қозонга қўрилган қуйлак пайдо бўлди. Умида уни қўриб-қараб қуйиб юборди. «Қорбобо, раҳмат сизга! Лекин анави совғани ҳам унутманг...»

У қуйлакни қийиб-қўқ акасининг хонасига югурди.

Бахти! Бахтиёр!

Унинг йигитшараеттан Бахтиёр синглисига қаради-ю, гўёки қотиб қолди.

— Қорбобога раҳмат дедингми? Қара-я, узингга қуйиб қуйгандай турибди.

— Менинг отпускамми декабрга тўғрилаб олишимдан бирон нарсани сезмадингизми?

Ота қулиб қуларини эзди.

— Айта қолинг. Сиз ҳам қизингизга ухшаб кетвоссиз.

Она унинг қулоғига шивирлади. Ота бирданига хурсанд бўлиб кетди.

— Ана бунинг совга деса бўлади!

Аммо Умиданинг ҳафаконлиги яна ёлларига тушиб, Қорбобо фақат биттагина истакни бажо келтиришини унга узлари уқдириб қуйишга аҳд қилишди.

Қовурилган балиқ ҳам дастурхонга тортилган, ота узлари учун «Шампанский»-ни, болалар учун «Кока-кола»-ни ишчиларини очиб, идишларга қуйди. Бахтиёр бурчақдаги телевизордан кўз узмай узларининг мактабларида ўтган Янги йил байрамиди, яъни, бундан бир неча соат олдин Қорбобо, Қорқиз келгани, болаларга совга улашганда теледиржадорлар узларини ҳам тасвирга туширишларини сузлар. Умида эса ҳамон деразига қараб-қараб қуярди. Ота-она бир вақтда унга гап ўқтира кетишди.

— Қорбобо битта истакни...

— Ёлгон, ёлгон! — деб юборди Умида. Сўнг узларининг мактабиди ҳам Янги йил байрами утгани, Қорбобо баъзи болаларга битта эмас, учталаб совга улашиб кетганини айта бошлади: — Умар жинси билан этикча сураган экан. Соҳида қурт-ка билан...

Ота-она яна жимиб қолишди. Кейин қадаҳларни қулларига олиб, болаларни ҳам идишларини олишларини сураб, бир-бирларига қарашди.

— Сиз бир нима дедик, — деди она.

— Узингиз айт қолинг, — деди ота.

— Булмасам, гап шундай, болаларим, — деб бошлади она. — Бизлар даданг иккимиз ҳам Қорбободан битта совгани кутардик. Ниҳоят, у киши рози булдилар.

Яъники, уч-тўрт ойдан кейин сизларга битта ука берадилар.

Она гапини тугатолмай қолди. Умида:

— Ур-р! — деб уридан туриб кетди. Кейин чапак чалиб, турган ерида айланди.

— Раҳмат Қорбобожон! Раҳмат! — Сўнг эса ота-онаси ва акасига қулиб қараб: — ана шунинг кутардим... Ука, ука! — деди-да, деразига қараб қолди. — Раҳмат, бобо-жон. Раҳма-ат...

Унинг шодон қийқириги хонани тўлдириб, ҳаммани хурсанд қилиб юборди.

Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ
1998

Оила жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайдиган.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛҲАМ САИДОВА

Телефонлар
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кучаси,
1-тор куча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кучаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий

«Матбуот гарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0618
23990 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоиси эркин нархда.
Навбатчи К. ТОШМИРЗАЕВ